



# ЎЗБЕКИСТОНДА БЎЛАЖАК САЙЛОВ МАВЗУСИ ХИТОЙ МАТБУОТИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Инглиз тилида чоп этиладиган "People's Daily" газетаси Марказий сайлов комиссияси раиси М. Абдусаломовнинг баёнотиغا эътибор қаратар экан, "сайлов кампанияси доирасида олиб бориладиган барча фаолиятлар фақат Марказий сайлов комиссияси ва жойлардаги комиссиялар

томонидан сайлов ҳуқуқларининг асосий тамойил ва талабларига катий рию этилган ҳолда ўтказилишини" алоҳида таъкидлади. Назарда М. Абдусаломовнинг "Кампания иштирокчиларидан ҳеч бири преференцияларга эга бўлмади, ҳеч кимга сайлов жараёнига таъсир ўтказишга йўл қўйилмади", деган сўзлари айнан келтирилган. Хитойнинг "Lookwe" нашри жур-

налхонларни сайлов тизimini янада либераллаштириш, партиялар ўртасидаги рақобатни ривожлантириш бўйича Ўзбекистон сайлов қонунчилигининг кейинги йилларда қабул қилинган янги мейёрлари билан таништилади. Хусусан, журналда таъкидланди, "Мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида рўй бераётган амалий жараёнларни эътибор олган ҳолда, қонун ижодкорлиги

фаолиятининг даражасини, мамлакатнинг демократик янгилинишида партиялар ва фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий-сиёсий фаолигини ошириш мақсадида Қонунчилик палатасида фаолият юритадиган депутатлар сони 120 нафардан 150 нафарга кўпайтирилди". Шунингдек, сайловга тайёргарлик куриши ва уни ўтказиш бўйича сайлов комиссиялари фаолиятида кўпроқ ошкоралик ва шаффофликнинг таъминлинишига қонунчилик мейёрлари асосида алоҳида эътибор қаратилаётгани қайд этилади.

«Жаҳон» АА. Пекин

# БУХОРОНИНГ ЭНГ ЯХШИ ҚИШЛОҚЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Иқтисодиёт ва Молия вазирликлари томонидан ўтказилаётган "Республикада энг яхши қишлоқ" танловининг Бухоро вилояти босқичи натижасига етди.

"Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури ижроси бўйича намунавий лойиҳалар асосида уй-жой, маданий-маиший ва ижтимоий объектлар қурилишини рағбатлантиришга қаратилган тадбир якунида Бухоро туманидаги Деҳқончи қишлоғи биричи ўринга лойиҳа, деб топилди. Кейинги ўринлар Когон туманидаги Қасри Орифон ҳамда Ғиждувон туманидаги Қирғизлар қишлоқларига насиб этди. Эндиликда қолиблар танловнинг республика босқичида қатнашишди.

И. ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## СОЛИК ИДОРАЛАРИ:

# ТАҲЛИЛ, ТАНҚИД ВА ТАВСИЯЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукуматининг жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарши чоралар дастури асосида қабул қилган Фармон ва қарорлар ижроси Фарғона ва Тошкент вилоятларида амалга оширилаётган ишлар мисолида муҳомада қилинди. Жойлардаги маҳаллий ҳокимлик ҳамда бошқа мутасадди идоралар билан ҳамкорликдаги

ишларнинг самарадорлигини ошириш юзасидан зарур тавсиялар берилди. Ҳўжалик юритувчи субъектларда ўтказиладиган текширишлар сони кўсартилганлиги муносабати билан уларнинг сифати ва самарадорлигини ошириш борасидаги тадбирлар натижаси Бухоро, Самарқанд ва Навоий вилоятлари мисолидаги танқидий таҳлил асосида қуриб чиқилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига

мувофиқ, солиқ тўловчиларнинг фаолиятига арашмаган ҳолда тақдим этилган молиявий ва солиқ ҳисоботларини қалмак назоратдан ўтказиш асосида солиқлар ва мажбурий тўловлар тушувлари тўлиқлигини таъминлаш борасидаги ишлар самарадорлигини оширишга доир чоралар белгиланди. Бундан ташқари, республикамиз ҳудудидаги контрабанда йўли билан товарлар олиб кирилиши ва ноқонуний сотилишининг ол-

дини олиш борасида чегара ХУДудлардаги ишлар аҳоли танқид қилиниб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари билан ҳамкорликда амалга ошириладиган кечиктириб бўлмайдиган тадбирлар белгиланди. Йиғилишда фаолиятда жиддий хато ва камчиликларга йўл қўйилгани учун Фарғона вилоятининг Сўх тумани, Қашқадар вилоятининг Миришкор тумани ва Жиззах вилоятининг Жиззах шаҳар давлат

солиқ инспекциялари раҳбарлари эгаллаб турган лавозимидан озод этилди. Шунингдек, ҳудудий солиқ органлари раҳбарларининг 51 нафарига нисбатан интизомий жазо чоралари қўлланилди, 14 нафарининг фаолиятига кейинги ҳисобот даврлари якуни билан баҳо берилиши қайд этилди.

Н. АБДУРАИМОВА, ЎЗА мухбири.

Поэтикада маданият, санъат ва мода йўналишидаги йирик лойиҳа — "Art Week Style.uz — 2009" ҳафталиқ давом этмоқда. Кеча Ёшлар ижод саройида "Underground" деб номланган кўргазма бўлиб ўтди.

# ГЎЗАЛЛИК ВА НАФОСАТ НАМОЙИШИ

Эътиборлиси, мазкур тадбир санъат ва мода ҳафталигининг йирик ҳамда ўзига хос лойиҳаларидан бири санъатда. Унда ижод ҳафталиги эндигина қадам қўйган ёш дизайнерларнинг илк изланишлари, янгича гоа ва интилишлари билан яқиндан танишиш мумкин. Бу галги тадбир ҳамда иштирокчиларнинг ўз соҳаюратини арқин намойиши учун етарли имконият яратиб берилди. Шунга яраша либос-

Дарҳақиқат, "Underground" кўргазмаси ёш иштирокчилари учун нафақат ўз ижодини кенг миқёсда намойиш этиш, балки мода соҳасининг етакчи мухтаassisлари, таниқли ижодкорлар билан танишиш, хорижлик дизайнерлар билан ижодий ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш имконини ҳам яратди.

Шу ўринда аввалги намоийшларда илк бор иштирок этиб, бугунги кунда юртимиз ва жаҳон миқёсида аллақачон таниқли моделерга айлиб улгурган Артём Дробинцев, Марат Нейматов, Элина Хайрулина сингари истеводд соҳибларининг номини қайд этиш жоиз. Эндиликда улар тақдим этган кўзқарғи лойиҳалар қўлаб халққаро танловларга тавсия қилинаётгани эътиборга моликдир.

— Юртингиз ёшларининг замонавий модага қизиқишлари билан бир қаторда, шарқона ўзига хослигини ҳам унутмаётганилиги эътиборининг тортиди, — дейди хитойлик расом Май Синьини. — Аслида, Ўзбекистонга келишдан мақсадим ҳам халқингизнинг бой маданияти, иқтидорли ёшлари билан яқиндан танишиш эди. Ниятим рўёбга чиқиб, бу ердаги маънавий қилиятли йиғит-қизларни ўзим учун кашф этдим. Шу кунги Ёшлар ижод саройида хорижлик моделерларнинг либослар намоийши ҳам бўлиб ўтди. Миллий санъат марказида эса Ўзбекистон халқ расомси Акмал Нурнинг шахсий кўргазмаси очилди.

Муборак ОХУНОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шуни алоҳида таъкидлаш кераки, янги лойиҳа давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган "Наманган вилоятининг индустриал ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни модернизациялаштириш дастури" доирасида амалга оширилмоқда. Марказий Осиеда ягона ҳисобланган янги қўшма корхонанинг ўзига хос жиҳатларидан яна бири шундаки, у полимер қўйиш, ультратрабанафа ишлов бериш, вакуумли алюминлаштириш сингари энг замонавий технологиялар билан жиҳозланган. Бундан ташқари, бу ерда фотометрик синовлар ўтказиш, фаралар ва фанарлар йиғилишининг герметиклиги ҳамда тўғри-



## Автомобиль саноати:

# ИНТИЛИШ, ИЗЛАНИШ, ТАРАҚҚИЁТ

лигини текшириш имконини берувчи дастгоҳлар ўрнатилган. Айни пайтда корхонада "Нексия" ва "Матиз" автомобиллари учун ёритиш тизимларининг 18 тури ишлаб чиқарилимоқда. Амалиётга татбиқ қилинган технологияларнинг бошқа афзалликлари ҳам бор: автомобиль дизайни ёки янги русумлар ўзлаштирилса, у қисқа муддатда янгича маҳсулот тайёрлашга мослаша олади.

Завод йилига 250 мингга фара ва фанар автотўпланини ишлаб чиқариш қувватига эга. Бу — корхона Ўзбекистон ҳамда МДҲ бозорларидagi автомобилларининг ва уларнинг савдодан кейинги хизмат кўрсатиш тармоқлари эҳтиёжини тўлиқ қоплай олади, дегандикдир.

Яна бир янгилик. Ушбу лойи-

ҳани амалга ошириш натижасида биринчи босқичда 200 та янги иш ўрни яратилди. Мажвуд қувватлар тўла ўзлаштирилгач эса, корхонанинг импорт ўрнини босиши хажми йилига 40 миллион АҚШ долларига етди. Кейинги босқичда эса, шасси тизимлари, дократлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Эътиборлиси, хорижий ҳамкор — "Chasys Co. Ltd" компанияси жаҳон автомобилсозлиги соҳасида ўз ўрни ва нуфузига эга. Эеро, у дунё бозорига харидорлар қўллаб-қувватлаётган автомобиллар учун орқа ўқлар, осма дастаклар, педаль блоклари ва бошқа ўнлаб бутловчи қисмларни етказиб беради.

"Chasys Co. Ltd" (Корея Республикаси) компанияси Президенти Чанг Сок Кўшма кор-

хонанинг расмий очилиш маросимида ҳамкорликнинг дастлабки натижалари ҳақида сўзларкан, "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарамай, Ўзбекистондаги фаолиятимиз муваффақиятли бўлишига ишонамиз. Гап шундаки, ҳозирги мураккаб шартномада мамлакатингиздаги иқтисодий ўсиш ва автомобилсозлик соҳасидаги ютуқлар бизни ҳам қувонтирмоқда. Тўғри, бу бизнинг ушбу меҳмондўст заминдада ўз ўрни ва нуфузига эга. Эеро, у дунё бозорига харидорлар қўллаб-қувватлаётган автомобиллар учун орқа ўқлар, осма дастаклар, педаль блоклари ва бошқа ўнлаб бутловчи қисмларни етказиб беради.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири. СУРАТЛАРДА: корхона фаолиятининг лавҳалар.

Ҳасан ПАЙДОВ, олган суратлар.

талари ҳамда ённинг қарши воситаларнинг мавжуд бўлиши мажбурий шарт ҳисобланади.

Археология ашёлари улар аниқланган жойда қолдирилган тақдирда, очик варақ ва рухсатнома олган археолог маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги давлат бошқарувини амалга оширувчи тегишли орган билан биргаликда мазкур ашёларни консервациялаш чора-тадбирларини қўришлари лозим. Бунда мазкур археология ашёлари тавсифланиши, суратта олиниши ва илмий ҳисоботда кўрсатиб ўтилиши керак.

## 17-модда. Фан, маданият ва таълим муассасаларига бириктирилган қўйилган археология ашёларидан фойдаланиш

Фан, маданият ва таълим муассасаларига бириктириб қўйилган археология ашёларидан фойдаланишга фақат қўйиладиган мақсадларда йўл қўйиладиган: илмий, маданий, таълим ва маърифий фаолият; археология ашёларини эълон қилиш.

Фан, маданият ва таълим муассасаларига бириктириб қўйилган археология ашёларидан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

## 18-модда. Археология ашёларини асраш чора-тадбирлари

Археология ашёларини асраш чора-тадбирлари консервациялаш, таъмирлаш ва реконструкция қилиш ишларини ўз ичига олади.

Археология ашёсини консервациялаш — археология ашёсини мавжуд кўринишида асраш ва унинг ҳолати ёмонлашувининг олдини олиш мақсадида амалга ошириладиган илмий ва илмий-техник тадқиқотлар ҳамда ишлаб чиқариш ишлари мажмуи.

Археология ашёсини таъмирлаш — археология ашёсининг тарихий ва эстетик қимматини аниқлаш ҳамда сақлаб қолиш ва унинг бут сақланишини таъминлаш мақсадида амалга ошириладиган илмий ва илмий-техник тадқиқотлар ҳамда ишлаб чиқариш ишлари мажмуи.

Археология ашёсини реконструкция қилиш — бутунлай ёки қисман шикастланган археология ашёсини тиклаш бўйича унинг сақланиб қолган асл

очик варақ ва рухсатнома олган археологга археология қидирувлари, археология қазинишлари ва археология назоратини ташкил этишда ёрдам беради;

ер қазини, ер тузиш, қурилиш, мелиорация, ҳўжалик, йўлсозлик ишлари ва бошқа ишлар учун ер участкалари ажратилишини лойиҳалаштиришда археология объектларини сақлаш талабларига риоя қилинишини қонун ҳужжатларига мувофиқ таъминлайди;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқароларни археология мероси объектларини муҳофаза қилиш, сақлаш ҳамда тарғиб қилишга доир тадбирлар ўтказишга ихтиёрий асосда жалб этади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

## 3-боб. Археология мероси объектларини давлат томонидан муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш

## 9-модда. Археология объектларининг давлат томонидан муҳофаза қилинишини таъминлаш ва улардан фойдаланиш

Археология объектларининг давлат томонидан муҳофаза қилинишини таъминлаш ва улардан фойдаланиш маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

## 10-модда. Археология объектини Моддий маданий мерос объектларининг давлат кадастрига киритиш

Археология объектини Моддий маданий мерос объектларининг давлат кадастрига киритиш маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

# Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2009 йил 16 июнда қабул қилинган  
Сенат томонидан 2009 йил 29 августда маъқулланган

## 1-боб. Умумий қоидалар

### 1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

### 2-модда. Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари иборатдир. Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

### 3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қўйиладиган асосий тушунчалар қўлланилади:  
археолог — тегишли олий маълумотга эга бўлган тадқиқотчи;  
Археология ашёлари давлат каталоги — ҳар бир

қиқоти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

## 28-модда. Илмий ҳисобот тузишга доир талаблар

Илмий ҳисоботда археология қидирувлари, археология қазинишлари ва археология назоратини амалга оширишда аниқланган ва (ёки) тадқиқ этилган археология мероси объектларини тўғрисидаги тўлиқ маълумотлар матн ва чизма кўринишида тақдим қилиниши керак.

Илмий ҳисоботта археология ашёси давлатга топширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат илова қилиниши лозим.

Илмий ҳисобот мuddатдаси сақланиши лозим. Илмий ҳисоботнинг расмийлаштирилиши, мазмуни ва иловасига, уни тақдим этиш мuddатига доир талаблар, шунингдек илмий ҳисоботни экспертизадан ўтказиш тартиби махсус ваколатли муассаса томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги археология тадқиқотлари тўғрисида тегишли ҳужжатларга эга бўлган юридик шахслар махсус ваколатли муассасанинг ёзма сўровига қўра мазкур ҳужжатларнинг асл ёки қўчирма нусхаларини тақдим этиши шарт. Очик варақ ва рухсатнома олган археологнинг илмий ҳисоботда бўлган муаллифлик ҳуқуқи қонун ҳужжатларига мувофиқ таъминланади.

## 5-боб. Яқунловчи қоидалар

## 29-модда. Археология мероси объектларини давлат томонидан муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишнинг молиялаштириш

Археология мероси объектларини давлат томонидан муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш, шунингдек археология назоратини молиялаштириш Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетте маблағлари ва қонун ҳужжатларида таққиланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

га бир ҳафталик муддатда ёзма шаклда хабар бериши; археология қидирувлари, археология қазимчалари ва археология назоратини амалга оширишда аниқланган илгари номаълум бўлган археология объектлари ва археология ашёлари тўғрисида маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги давлат бошқарувини амалга оширувчи тегишли органга ёзма шаклда хабар бериши; батафсил тавсифи (материали, ўлчамлари, санаси ва бошқалар) билан ҳар бир археология ашёсининг рўйхатини тузиши; археология объектнинг бирламчи консервацияси ва бут сақланишини таъминлаши; археология қидирувлари, археология қазимчалари ва археология назоратини амалга оширишда аниқланган археология ашёларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда давлатга топшириши; очик варақнинг амал қилиш муддати тугаганидан сўнг, бироқ келгуси календар йилнинг биринчи чораги тугашидан кечиктирмасдан тегишинча Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигига ҳамда махсус ваколатли муассасасига илмий ҳисобот тақдим этилиши шарт.

Очик варақ ва рухсатнома олган археолог зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

**26-модда. Археология объектларида махсус асбоб-ускуналардан фойдаланиш**

Археология объектларида махсус асбоб-ускуналардан фойдаланишга махсус ваколатли муассаса томонидан берилган махсус рухсатнома мавжуд бўлгандагина йўл қўйилади.

Археология объектларида махсус асбоб-ускуналардан фойдаланиш тартиби ва шартлари махсус ваколатли муассаса томонидан тасдиқланади.

**27-модда. Фан, маданият ва таълим муассасаларига бириктириб қўйилган археология ашёларининг археология тадқиқоти**

Фан, маданият ва таълим муассасаларига бириктириб қўйилган археология ашёларининг археология тад-

археология ашёси тўғрисидаги асосий маълумотлар мавжуд бўлган ҳисобга олиш ҳужжати; **археология ашёси** — археология қидирувлари, археология қазимчалари ва археология назоратини амалга оширишда ёки ҳўжалик ва ўзгача фаолият жараёнида аниқланган, шунингдек тасодифан топилган (хазина) ва идентификациялашдан ўтказилган моддий қолдиқ;

**археология ёдгорлиги** — Моддий маданий мерос объектларининг давлат кадастрига киритилган археология объекти;

**археология мероси объектлари** — археология объектлари ва археология ашёлари мажмуи;

**археология назорати** — археология тадқиқотининг археология объектини сақлаш мақсадида амалга оширилган археология объекти ҳудудининг чегараларида ер қазии, ер тузиш, қурилиш, мелиорация, ҳўжалик, йўлсозлик ишларини ва бошқа ишларни бажаришда маданий мерос объектларини сақлаш талабларига риоя қилиниши устидан назорат ўрнатиладиган тури;

**археология объекти** — инсон фаолиятининг барча кўринишларида таълуқли ҳамда сақланиш ҳолатидан қатъи назар археологик, антропологик, этнографик қимматга ёки ўзга тарихий, илмий, бадиий, маданий қимматга эга бўлган жой, иншоот (асар), иморат, мажмуа (ансамбль), уларнинг бўлақлари, улар билан боғлиқ ҳудудлар;

**археология тадқиқоти** — археология объектлари, археология ёдгорликлари ва археология ашёларини ўрганиш орқали янги билимларни эгаллаш мақсадида амалга оширилган фаолият;

**археология қазимчалари** — археология тадқиқотининг археология объектида қазима ишларини қўллаган ҳолда маданий қатламлар, меъморий ва бошқа моддий қолдиқларни ўрганиш мақсадида амалга оширилган тури;

**археология қидирувлари** — археология тадқиқотининг археология объекти маданий қатламининг емирилиши билан боғлиқ бўлмаган (маданий қатлам қалинлигини аниқлаш учун чекланган қазимадан ташқари) ва археология объектини аниқлаш, хариталаштириш, унинг чегараларини белгилаш, изохлаш, текшириш, шунингдек илгари аниқланган археология объекти тўғрисида замонавий маълумотларни олиш мақсадида амалга оширилган тури;

**илмий ҳисобот** — очик варақ ва рухсатномага му-

**7-модда. Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги махсус ваколатли муассаса**

Махсус ваколатли муассаса: фан, маданият ва таълим муассасаларида амалга оширилган археология тадқиқотларини мувофиқлаштиради;

археология қидирувлари, археология қазимчалари ва археология назоратини амалга ошириш тартибини тасдиқлайди;

археология объектларида махсус асбоб-ускуналардан фойдаланиш тартиби ва шартларини тасдиқлайди; археология объектларида махсус асбоб-ускуналардан фойдаланиш учун махсус рухсатнома беради;

ўзига бириктириб қўйилган археология ашёлари ҳисобга олиниши ва сақланишини таъминлайди; илмий ҳисоботни тузиш, экспертизадан ўтказиш ва ундан фойдаланиш тартибини тасдиқлайди; очик варақ бериш тартиби ва шартларини, унинг шакллари намуналарини тасдиқлайди; очик варақ беради;

берилган ҳар бир очик варақ бўйича илмий ҳисобот қабул қилади; илмий ҳисоботлар архивини ййгади; археология мероси объектларининг тарихий-маданий экспертизасини ўтказишда қатнашади.

Махсус ваколатли муассаса қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**8-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги ваколатлари**

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўз ҳудудлари доирасида:

археология мероси объектлари лозим даражада муҳофаза қилиниши ва сақланиши учун шарт-шароитларни таъминлайди;

археология мероси объектларининг бут сақланиши ҳолати устидан давлат назоратини амалга оширади;

бўлақларини имкон борича аниқлаштириш мақсадида, бироқ киритилган ўлдиришлар яққол билини турадиган тарзда амалга оширилган илмий ва илмий-техник тадқиқотлар ҳамда ишлаб чиқариш ишлари мажмуи.

Археология ашёсини консервациялаш, таъмирлаш ва реконструкция қилиш ишлари мазкур археология ашёси бириктириб қўйилган фан, маданият ва таълим муассасаси маъмуриятининг қарори асосида амалга оширилади.

**19-модда. Археология ашёларини Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш**

Археология ашёлари Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиши мумкин эмас, ушбу модданин иккинчи қисмида назарда тутилган ҳол бундан мустасно. Археология ашёларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига вақтинча олиб чиқиш қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

**4-боб. Археология мероси объектларининг археология тадқиқоти**

**20-модда. Археология қидирувлари, археология қазимчалари ва археология назоратини амалга ошириш шартлари**

Археология қидирувлари, археология қазимчалари ва археология назоратини ўз таъсис ҳужжатларида археология қидирувлари, археология қазимчалари ва археология назоратини амалга ошириш назарда тутилган давлат муассасалари ҳамда ташкилотлари томонидангина махсус ваколатли муассаса белгиланган тартибда амалга оширилади. Улар ишларнинг сифатли бажарилиши, илмий ҳисоботнинг ўз вақтида тақдим этилиши ва сифати учун жавобгар бўлади.

Археологияда очик варақ ва рухсатнома мавжуд бўлгандагина археология қидирувлари, археология қазимчалари ва археология назоратини амалга оширишга йўл қўйилади. У археология қидирувлари, археология қазимчалари ва археология назоратига бевосита раҳбарлик қилиши шарт.

Археология объектида қазимчаларни ўзбошимчалик билан амалга ошириш тақиқланади. Бундай ҳара-

Буқлаш чизиғи


Кўриқаш чизиғи

Буқлаш чизиғи

**Бугун, эътироф этиш керакки, мамлакатимизда фаолият юритаётган молия муассасалари томонидан аҳоли ва ҳўжалик юритувчи субъектларга қўллаб қўлайлик ҳамда имтиёزلарга эга хизматлар кўрсатилмоқда. Натижада уларнинг банкларга бўлган ишончи тобора ортиб бормоқда.**

Хусусан, "Микрокредитбанк" очик акциядорлик тижорат банкининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жамоаларига, фермерлик ҳаракати, шунингдек, қасаначиликни ривож-

400 сўмлик микрокредит берилгани, 24 миқозга эса 985 миллион 962 миқоз сўмлик микролизинг хизматлари кўрсатилгани шундан далолат беради. Маълумки, "Микрокре-



**МИЖОЗЛАР ИШОНЧИ**


**«Микрокредитбанк»нинг капиталлашув даражасини янада ошириш имконини бермоқда**

лантиришга йўналтирилган маблағлари эвазига жойларда юзлаб ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш субъектлари пайдо бўлиб, минглаб янги иш ўринлари яратилаётир. Хусусан, мазкур молия муассасасининг Сурхондарё вилояти филиали ва унинг 18 та минибанки, 2 та агентлиги фаолияти бунга мисол бўла олади. Жорий йил-

дидан банк кичик маблағлар орқали улкан бунёдкорлик ишларини рўёбга чиқаришга ихтисослашган молия муассасасидир. Бугунги кунда ана шундай хизматлар ҳисобига унинг миқозлари сафи тобора кенгайиб бормоқда. Бунда, айниқса, Президентимизнинг

**Молия муассасаларида**

Негаки, ушбу Фармонга кўра, тадбиркорлик субъектлари учун ажратилган микрокредитлар ва кўрсатилган микролизинг хизматларининг физи янада пасайтирилиб, аҳолига ҳам, тадбиркорларга ҳам қўллаб қўлайликлар яратилди, имтиёزلар берилди. Термиз туманидаги "Учқизил" кишлоқ фуқаролар ййғинида истикомат қилувчи, гулчилик билан шуғулланаётган яқка тартибдаги тадбиркор Хосият Ортиқова, Ангор туманининг "Истиқлол" кишлоқ фуқаролар ййғинидаги кичик корхона раҳбари Илёс Эгамбердиев, Қумқўрғон туманидаги "Оқжар" кишлоқ фуқаролар ййғи-



нинг саккиз ой давомида ушбу филиал томонидан 878 та миқозга 4 миллиард 655 миллион 81 миқоз

ни ҳудудда жойлашган "Қумқўрғон хунарманд" хусусий корхонаси ва бошқа қўллаб миқозлар ана шундай имкониятга имтиёزلардан фойдаланиб, бугунги кунда юқори натижаларга эришмоқдалар. Буларнинг бари банк жамоаси хизмат кўрсатиш борасида кишлоқ аҳлини қамраб олишга интилаётганини яққол намоён этади. Бошқача айтганда, "Сармоялар — тадбиркорлик, бунёдкорлик ва тараққиёт хизматида!" шиори остида фаолият юритаётган "Микрокредитбанк" ходимлари ҳар бир маҳалла ва хонадонга кириб бориб, уларни банк маблағларидан баҳраманд этиш мақсадидаги вазифаларини аъло даражада удралашмоқда. — "Кишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги ййли" Давлат дастури доирасида ушбу йўналишдаги ишларимиз янада фаоллашди, — дейди филиал раҳ-

бари Мўминжон Маҳмудов. — Пировардида кишлоқ тадбиркорларига барча молиялаш манбалари ҳисобидан 8 миллиард 308 миллион 600 миқоз сўм миқдорда кредит ажратилди. Бу, ўз навбатида, бир миқоз икки юз нафарга яқин ййгит-қизнинг доимий иш жойига эга бўлишини таъминлади.

Шунингдек, Президентимизнинг 2008 йил 20 февралдаги "Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонига асосан, филиал томонидан амалга оширилган ишлар туфайли ўтган вақт мобайнида банк омонатларига 3 миллиард 678 миллион 577 миқоз 300 сўм маблағ жалб этилди.

Маълумки, сўнгги пайтларда пластик картчалар кундалик муомала воситаси сифатида ҳаётимизга чуқур сингиб, ундан фойдаланувчилар ҳам, терминал ўрнатилган савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари ҳам қўлайли бормоқда. Шу боис филиал жамоаси хизматининг бу турига алоҳида аҳамият қаратиб, ҳозиргача 17 400 та пластик картчани муомалага чиқарди. Ўрнатилган терминаллар сони эса 149 тани ташкил этди.

Дарҳақиқат, "Микрокредитбанк" очик акциядорлик тижорат банкининг Сурхондарё вилояти филиали томонидан амалга оширилаётган ишлар кўлами тобора кенгайиб бормоқда. Бу эса, ҳудудда тадбиркорликни ривожлантириш билан бирга, аҳолининг турмуш даражаси юксалишига ҳам хизмат қилмоқда.

Дилшод УЛУҒМУРDOV, «Халқ сўзи» муҳбири.

**Мухтарам юртдошлар!**  
**Омонатдаги маблағларингизга бир йиллик фойз даромадларини олдидан олишни хоҳлайсизми?**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ-ТИЖОРAT**  
**ХАЛҚ БАНКИ**

**Жозибador миллий валютадаги «Комфорт»**  
**ва хоржий валютадаги «Люкс»**

**муддатли омонатларини амалиётга жорий қилди.**

Мазкур омонат турларига маблағлар жисмоний шахслар томонидан миллий ва хоржий валютадаги маблағларни бир йил сақлаш шарти билан қабул қилинади.

**Миллий валютада — «Комфорт»** муддатли омонатига йиллик — **26 фойз** миқдорда ва **хоржий валютада — «Люкс»** муддатли омонатига йиллик — **12 фойз** миқдорда даромад туланади.

Мазкур омонат турларига жалб этилган маблағларга белгиланган муддат учун ҳисобланиши лозим бўлган фойз даромадлари, омонат бўйича ҳисобварақ очилган куннинг ўзидаяқ ёки омонат шартномасининг амал қилиш муддатининг исталган даврида миқознинг биринчи талаби бўйича берилади.

Хизматлар лицензияланган. Лиц. № 25. 25.01.2003.

**АҲОЛИ ОМОНАТЛАРИ ДАХЛСИЗЛИГИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНГАН !!!**

**Мурожаат учун 150-12-91. телефон:**

**«ASAKA-TRANS-LEASING» ЛК МҶК**  
**ЛИЗИНГ КОМПАНИЯСИ**

Тошкент шаҳрида махсус лицензия асосида, тижорат мақсадида йўловчилар ташувчи юридик шахсларга автолизинг хизматларини кўрсатади.

Лизинг объектлари сифатида: автобуслар, микроавтобуслар ва бошқа йўловчи ташув транспорт тақдим этилиши мумкин.

**Бизга мурожаат қилинг ва сиз лизинг фаолиятининг барча имтиёз ҳамда қўлайликларидан фойдаланиш имкониятига эга бўласиз.**

Манзил: Тошкент шаҳри, Мухимий 1-тор қўчаси, 9-уй. **Тел.: (+998 71) 120-40-94. Факс: (+998 71) 120-39-59.**

**Завод ТТЕМЗ** иштавливает и реализует:

**КРАН БАШЕННЫЙ КБ-403А**

предназначен для строительно-монтажных работ при возведении жилых и гражданских сборных сооружений и строительства многоэтажных зданий

**Теперь и в ЛИЗИНГ**

■ Максимальная грузоподъемность — 8 т  
■ Максимальная длина стрелы — 30 м (с кареткой)  
■ Максимальная высота подъема гор. — 41,5 м, наклонно — 57,5 м

**АВТОКРАНЫ:**

для производства монтажных и погрузочно-разгрузочных работ с объемными грузами на расщепленных объектах

**КС-3577 НА БАЗЕ ШАССИ МАЗ**  
■ Максимальная грузоподъемность — 14 т  
■ Максимальная высота подъема — 14,5 м

**КС-4574-1 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ**  
■ Максимальная грузоподъемность — 16 т  
■ Максимальная высота подъема — 22 м

**КС-55724 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ**  
■ Максимальная грузоподъемность — 25 т  
■ Максимальная высота подъема — 29 м (с гуськом)

**ВОЗМОЖЕН МОНТАЖ НА ШАССИ КАКАЗЧИКА**

Тел.: 269-15-33, 262-63-45, 187-52-05, ф. 262-39-66. E-mail: toemz1@sarkor.uz www.toemz-kran.uz

**«ХАЛҚ СЎЗИ»га**

**ЭЪЛОНЛАР** қабул қилинади.

9.00 дан 18.00 гача  
233-10-60  
236-08-25  
232-10-63  
242-хона

Нефть ва газ қонлари геологияси ҳамда қидируви институти жамоаси геология-минералогия фанлари доктори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган геолог **Акрам Рустамович ХОДЖАЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг она аъзолари ва яқинларига чуқур тазия изҳор этади.

Тошкент давлат юридик институтини жамоаси Ўзбек тили кафедраси мудири Гулнара Ғуломовна онаси **Нурношна ҒУЛОМОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур тазия изҳор этади.

«Ўзбекэнергогаз» ОАЖ жамоаси корхона ходими Бахтиёр Ғуломовна онаси **НОСИБА** аянинг вафоти муносабати билан чуқур тазия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбектеатр» ИИЧБ, Ўзбек Миллий Академик драма театри жамоаси драматург Эркин Хушвақтовга падари бузруквор **Болта ХУШВАҚТОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур тазия изҳор этади.

Тошкент давлат иқтисодий университети ректорати ва бирлашган касба уюшмаси қўмитаси Тарих кафедраси профессори Ҳожижаббар Ҳамидовга акаси **Абдуважид ҲАМИДОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Тошкент Педиатрия тиббиёт институтини жамоаси Клиник фармакология кафедраси доценти, тиббиёт фанлари доктори Салоҳиддин Аминовга падари бузруквор **ЖУРА** отанин вафоти муносабати билан чуқур тазия изҳор этади.

кат давомда қўлга киритилган археология ашёлари давлат мулкига топширилиши керак.

**21-модда. Археология қазималарини режалаштиришдаги устуворлик**

Археология қазималарини режалаштиришда устуворликка риоя қилиниши лозим бўлиб, бундай устуворликка мувофиқ археология қазималари, аввало, табиий емирилиш ва қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳар қандай бошқа ҳаракатлар ҳамда ҳолатлар хавф туғдираётган археология объектларида ёки археология ёдгорликларида амалга оширилади.

**22-модда. Очқик варақ ва рухсатнома бериш тартиби ҳамда шартлари**

Очқик варақ бериш тартиби ва шартлари, унинг шакллари намуналари махсус ваколатли муассаса томонидан тасдиқланади.

Рухсатнома бериш тартиби ва шартлари Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан белгиланади.

**23-модда. Очқик варақнинг шакллари ва амал қилиш муддати**

Археология тадқиқотларининг хусусиятига қараб очқик варақ куйидаги шакллarga эга бўлади: археология қазималарини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи 1-шакл;

унча катта бўлмаган майдонларни (бир археология объектда 20 кв. метргача) қазиб очган ҳолда археология қидирувларини амалга ошириш ва археология мероси объектларининг тарихий-маданий экспертизасини ўтказиш ҳамда археология назоратини амалга ошириш доирасида ер участкаларини тадқиқ этиш ҳуқуқини берувчи 2-шакл; археология объектда бирон-бир ер қазиб ишларини бажармаган ҳолда, археология қидирувларини амалга ошириш (бундан очилиб қолган жойларда чекланган тозалаш ишлари мустасно) ҳуқуқини берувчи 3-шакл; ер қазиб, қурилиш ишлари чоғида емирилаган ёки авария ҳолатида бўлган археология объектда унинг емирилиши хавфини бартараф этиш мақсадидаги муҳофазат-қўқарув қазималарини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи 4-шакл.

12

уларни фан, маданият ва таълим муассасаларига бириктириб қўйиш тартибини белгилайди; фан, маданият ва таълим муассасаларига бириктириб қўйилган археология ашёларидан фойдаланиш тартибини белгилайди; археология мероси объектларини муҳофазат қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги махсус ваколатли муассасани (бундан буюн матнда махсус ваколатли муассаса деб юритилади) белгилайди; халқаро археология тадқиқотларини ташкил этиш тартибини белгилайди.

**6-модда. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг археология мероси объектларини муҳофазат қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги: археология мероси объектларини муҳофазат қилиш, улардан фойдаланиш ва археология тадқиқотларини қўллаб-қувватлаш бўйича давлат дастурларини ишлаб чиқишда иштирок этади; археология мероси объектларини муҳофазат қилиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш устидан давлат назоратини амалга оширади; археология ашёларини ҳисобга олиш ва сақлаш тартибини белгилайди; Археология ашёлари давлат каталогини юритади; археология ашёларини Археология ашёлари давлат каталогига рўйхатдан ўтказиши; Археология ашёлари давлат каталогига рўйхатдан ўтказилган археология ашёларини тасарруфдан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилади; рухсатнома бериш тартиби ва шартларини белгилайди; рухсатнома бериши; берилган ҳар бир рухсатнома бўйича илмий ҳисоб-китоб қабул қилади; илмий ҳисоботлар архивини ййгади.

5

вофиқ амалга оширилган археология қидирувлари, археология қазималари ва археология назоратининг натижалари тўғрисида тўлиқ маълумот берувчи ҳужжат; **очқик варақ** — археологнинг профессионал даражасини тасдиқловчи ва унга археология қидирувлари, археология қазималари ва археология назоратини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи ҳужжат; **рухсатнома** — очқик варақ олган археологга археология объектда археология қидирувлари, археология қазималари ва археология назоратини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи ҳужжат.

**4-модда. Археология мероси объектларига бўлган мулк ҳуқуқи**

Археология мероси объектларига бўлган мулк ҳуқуқи давлатга тегишлидир. Археология ашёлари оператив бошқариш ҳуқуқи асосида фан, маданият ва таълим муассасаларига бириктириб қўйилиши мумкин.

Археология мероси объектлари моддий маданий мерос объектлари сирасига қиради.

**2-боб. Археология мероси объектларини муҳофазат қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги давлат бошқаруви**

**5-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг археология мероси объектларини муҳофазат қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: археология мероси объектларини муҳофазат қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги давлат сийбсатининг асосий йўналишларини амалга оширади; археология мероси объектларини муҳофазат қилиш, улардан фойдаланиш ва археология тадқиқотларини қўллаб-қувватлаш бўйича давлат дастурларини тасдиқлайди; Археология ашёлари давлат каталогига рўйхатдан ўтказиш мақсадидаги илмий ҳисоботлар архивини ййгади; археология ашёларини Археология ашёлари давлат каталогига рўйхатдан ўтказиш тартибини белгилайди; археология ашёларини давлатга топшириш ҳамда

4

1 ва 4-шакллар бўйича очқик варақлар муайян археология объектларида археология қазималарини амалга ошириш учун берилади.

2 ва 3-шакллар бўйича очқик варақлар Ўзбекистон Республикасининг тегишли маъмурий-ҳудудий бирлиги ва зарур бўлган ҳолларда, муайян археология объекти кўрсатилган ҳолда, археология қидирувларини амалга ошириш учун берилади.

Берилган санасидан қатъи назар очқик варақнинг амал қилиш муддати календарь йилнинг сўнги кунига тугайди.

**24-модда. Очқик варақ ва рухсатнома олган археологнинг ҳуқуқлари**

Очқик варақ ва рухсатнома олган археолог: археология қидирувлари, археология қазималари ва археология назоратини очқик варақда белгиланган доирада амалга ошириш; археология объектнинг емирилишига олиб келаётган ҳар қандай ҳаракатларни тўхтатиш талаби билан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига мурожаат қилиш; ўзи аниқлаган археология ашёларининг археология тадқиқоти ва илмий экспертизасини ўтказиш ҳуқуқига эга бўлади.

Очқик варақ ва рухсатнома олган археолог қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

**25-модда. Очқик варақ ва рухсатнома олган археологнинг мажбуриятлари**

Очқик варақ ва рухсатнома олган археолог: рухсатномани маданий мерос объектларини муҳофазат қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги давлат бошқарувини амалга оширувчи тегишли органга рўйхатдан ўтказиши; археология қидирувлари, археология қазималари ва археология назоратини очқик варақда белгиланган доирада амалга ошириш тартибига риоя қилиши; археология қидирувлари ва археология назоратини амалга оширишда археология объектда аниқланган емирилишлар тўғрисида маданий мерос объектларини муҳофазат қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги давлат бошқарувини амалга оширувчи тегишли орган-

13

**ҲАМЮРТЛАРИМИЗ — ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ СОВРИНДОРЛАРИ**

**Украинанинг Алушта шаҳрида миллий спортимиз — кураш бўйича VII жаҳон чемпионати бўлиб ўтди.**

Кураш халқаро ассоциацияси матбуот хизматида олинган хабарда айтилишича, чемпионатда дунёнинг 29 мамлакатидан келган 179 нафар иштирокчи медаллар учун кураш олиб борди.

Мусобақада эркеклар етти, аёллар эса саккиз вазн тоифасида гиламга чиқдилар. Эркеклар ўртасидаги беллашуларда ўзбекистонлик полвонлар кураш ватани вакиллари эканликларини амалда

намоиш этиб, умумжамоа ҳисобида фахрли биринчи ўринни кўлга киритдилар. Ҳамюртларимиздан Шароф Холмаматов (81 кг.), Шерали Жўраев (90 кг.) ва Давлат Чориев (100 кг.) олтин, Сухроб Худойбердиев (66 кг.), Яхё Имомов (73 кг.) кумуш, Шўхрат Мурадov (+100 кг.) эса бронза медалга сазовор бўлди. Шунингдек, Эрон терма жамоаси иккинчи, Россия

курашчилари эса учинчи ўринни эгаллашди.

Аёллар ўртасидаги беллашуларда Мўғулистон терма жамоаси аъзолари иккита олтин, учта бронза медали билан шохсупанинг юқори поғонасидан жой олдилар. Иккинчи ўрин Россия, учинчи ўрин эса Ўзбекистон терма жамоаси аъзоларига насиб этди.

Алуштадаги жаҳон чемпионати давомида илк мартада терма жамоалар ўртасида жаҳон кубоғи беллашувлари ҳам ўтказил-

ди. Унда биринчи ўринни юртимиз полвонлари эгаллаган бўлса, иккинчи ўрин Осие кураш конфедерацияси, учинчи ўрин эса Европа кураш конфедерацияси ҳамда Жанубий Африка Республикаси терма жамоасига насиб этди.

Хотин-қизлар ўртасидаги жаҳон кубоғи баҳсларида Осие кураш конфедерацияси биринчи, Украина терма жамоаси иккинчи, Ўзбекистон ва Европа кураш конфедерацияси вакиллари учинчи ўринни эгаллашди.

3. ЖОНИЕБЕКОВ тайёрлади.

**Фахр**

Шу билан бирга, таъкидландики, Ўзбекистонда бошқа тилларни ҳам ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Мактаб таълими етти тилда олиб борилаётган. Бу эса халқаро ташкилотлар, хусусан, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти томонидан юқори баҳоланмоқда.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистоннинг Бремендаги фахрий консули Л. Фоллерс «Тарихида кечган мураккаб даврларга қарамастан, ўзбек халқи ўз она тилини сақлаб қола олди», дея таъкидлади. — Шубҳасиз, Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг миллий тил ривожига сифат жиҳатдан янги босқич бошлади, — деди Л. Фоллерс.

Ўзбекистонлик талабалар, шунингдек, меҳмонларга буюқ шоир Алишер Навоийнинг немис тилига таржима қилинган газалларидан ўқиб беришди. Иштирокчиларда халқимизнинг миллий уфодатлари ва анъаналари намоиш этилган маданий дастур алоҳида таассурот қолдирди.

«Жаҳон» АА. Бремен

**Ибрат**

Жамиятнинг 50 нафар чевар қизлари тикаётган мактаб ўқувчилари формалари сифати ва бежиримлиги боис вилоятда ташкил этилган «Мактаб бозор»ларида ўз харидорларини топмоқда.

Айни пайтда қорхона раҳбари А. Холмирзаев бандан олинган 60 миллион сўмлик кредит ҳисобига жамият фаолиятини кенгайтирди. Натижада Норинкапа қишлоғида «Олис коинот»нинг филиали ташкил этилиб, қўшимча 20 та янги иш ўрни яратилди.

К. НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Германиянинг Бремен университетидан ЮНЕСКО шафелигида, шунингдек, Европа Иттифоқининг минтақавий ривожланиш жамғармаси ва бошқа бир қатор маҳаллий ташкилотлар кўмағида халқаро «Тиллар фестивали» бўлиб ўтди.

**ЎЗБЕК ТИЛИ ХАЛҚАРО ФОРУМДА**

«Тил — гўзаллик, тил, бу — маданият, тил, бу — жамият, тил, бу — ҳаёт» шiori остида ўтган тадбирда дунёнинг 60 мамлакатидан тилшунос олимлар, шоирлар ва лингвистлар иштирок этди. Илмий-амалий конференциялар, театрлаштирилган концерт чиқишлари ҳамда шerryят кечалари ташкил этилди.

Фестиваль доирасида Ўзбекистоннинг Берлиндаги элчихонаси ҳамда «Германия — Ўзбекистон» дўстлик жамияти ташаббуси билан Бремен университети билан ҳамкорликда «Ўзбек тили ривожининг тарихи, босқичлари ва истиқболлари» номли кеча бўлиб ўтди. Унда турли мамлакатлардан келган халқаро фестиваль иштирокчилари, дипломатлар, профессор ва

**Дунё нигоҳи**

Ўқитувчилар, Германия университетларида тахсил олаётган ўзбекистонлик талабалар катнашди.

**Об-ҳаво (14 октябрь)**

Коракалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзарғиб туради, ёғингарчилик бўлмайд. Кечаси 5-10, кундузи 20-25 даража иссиқ бўлади.

Бухоро ва Навоий вилоятлари. Ёғингарчилик кутилмайди. Харорат тунда 5-10, кундузи 20-25 даража иссиқ бўлади.

Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзарғиб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Кечаси 5-10, кундузи 20-25 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилояти. Ёғингарчилик бўлмайди. Харорат тунда 5-10, кундузи 20-25 даража иссиқ бўлади.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари. Ҳаво ўзарғиб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Кечаси 6-11, кундузи 23-28 даража иссиқ бўлади.

Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари. Ёғингарчилик кутилмайди. Тунда 5-10, кундузи 20-25 даража иссиқ бўлади.

Тошкент шаҳри. Ҳаво ўзарғиб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Харорат тунда 6-8, кундузи 22-24 даража иссиқ бўлади.

«Ўзгидромет» матълумотлари асосида тайёрланди.

**Халқ сўзи**  
Народное слово

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 903. 32373 нусхада босилди, ҳажми — 2 тобқ. Офсет усулида босилган. Қотоз бичими А—2. Баҳоуси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона 233-52-55;  
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Тажрибига келган кўлемлар таърих қилинмайдн ва муаллифга қайтарилмайди.  
Реклама материаллари учун таърирнат жаавобгар эмас.

Газета таърирнат компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғасов ва М. Бегмуратов томонидан сакхфаланди.

Т-Тижорат материалн

• **МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000, ГСП,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Набатчи котиб — Ю. Хамидов.  
Набатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.  
Набатчи — Қ. Хидиров.  
Мусакхх — С. Исмолов.

**МУАССИСЛАР:**  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

«Шарк» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА ақуни — 20.40. Топширилди — 21.30

«Шарк» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА ақуни — 20.40. Топширилди — 21.30